*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 170 (9666). ● 1989 йил 9 сентябрь ● Баҳоси 5 тийин.

ШАНБА СОНИ



Индонезия Республикасининг Президенти Сухартонинг Ўзбекистонда бўлиши. Суратларда: Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти; меҳмонлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида.

В. СОЗИНОВ ва Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратлари.



## ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига мувофиқ расмий ташриф билан Москвага кетаётган Индонезия Республикасининг Президенти Сухарто рафиқаси билан 7 сентябрь куни Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида меҳмонни СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Тинч океан ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бошқармасининг бошлиғи Л. А. Чижов, Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко, СССРнинг Индонезиядаги элчиси В. М. Семенов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Индонезиянинг СССРдаги элчиси Я. М. Жани бор эди.

Аэропортда Индонезия, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилди.

Чиройли миллий кийимлар кийган болалар меҳмонларга гулдасталар тақдим этдилар.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов Индонезия Президенти Сухарто билан учрашди.

М. И. Иброҳимов Совет Иттифоқига Индонезиядан бундай олий даражадаги ташриф чорак асрдан буён бўлмаганлигини эслатиб, СССРда Индонезия билан алоқаларни қадрлашларини ва сўнгги йилларда муносабатларимизда юз берган тараққиёт янада кучайишига умид қилаётганликларини таъкидлади. Ҳозирги ташриф турли соҳаларда ва умуман икки томонлама алоқаларга омил бахш этади, Совет-Индонезия ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга имкон беради, деди у сўнгра.

М. И. Иброҳимов қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Белграддаги учрашувидан тўғри СССРга келган меҳмонга мурожаат қилиб, Совет Иттифоқида қўшилмаслик ҳаракатининг ўз ролини жаҳондаги реал вазиятга мувофиқлаштириб янгилаш йўлини мамнуният билан кутиб олганликларини айтди. Бу янгиланиш, деб давом этди у, бизнинг тушунишимизча, буюк давлатлар ва уларнинг блокларига анъанавий қарама-қарши туришдан кенг халқаро ҳамкорлик доирасида энг муҳим умумбашарий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этиш мақсадида тенг ҳуқуқли шериклик муносабатларига ўтишдан иборат. Илгари кўп марта айтилганидек, бизнинг мамлакатимиз ҳар қандай қўшилмаган давлат билан, умуман қўшилмаслик ҳаракати билан мулоқот ва ҳамжиҳатлик учун тайёрдир. Сизнинг СССРга ташрифингиз бунинг далилидир.

Индонезия Президентига мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги суҳбатнинг алоҳида мавзуси бўлди. Ҳамкорликнинг қайта қуриш вужудга келтирган янги шакллари унга хос бўлаётганлиги ҳақида гапирилди. Чунончи, ҳозирнинг ўзидаёқ республикада Болгария Халқ Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Афғонистон, Италия, Германия Федератив Республикаси, Америка Қўшма Штатлари фирмалари билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар мавжуд. Малайзия билан бевосита ҳамкорлик ўрнатиш масаласи ҳал қилинди. Индонезия Президентига агар унинг мамлакатида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр фирмалар бўлса, бу ерда хайрихоҳлик билан кутиб олиниши тўғрисида айтилди. Масалан, ишни буюмлар, товарлар кўргазмасини айирбош қилишдан бошлаш мумкин бўлур эди.

Индонезия Республикасининг Президенти Сухарто самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдириб, Совет Иттифоқига бошланган ташриф иккала мамлакатимиз ўртасидаги яхши муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун ғоят фойдали бўлади, деб ишонч билдирди.

Индонезия Президенти барча давлатлар ва халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштирган тақдирдагина ялпи тинчлик ҳам, социал адолат ҳам мумкин бўлишини таъкидлади.

Президент Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар учун миннатдорчилик билдириб, пахтани қайта ишлаш, табиий ипак етиштириш базасида Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик бутунлай реалдир, деган умидни билдирди. У аниқ амалий таклифларни айтди, жумладан пальма ёғини тозалайдиган қўшма корхона барпо этишни таклиф қилди.

Суҳбатда таъкидланганидек, ҳозир иккала мамлакатда ҳамжиҳатликни кучайтириш, амалий ҳамкорлик қилиш учун яхши имкониятлар бор, бу имкониятлардан тобора самаралироқ фойдаланиш лозим.

Индонезия Президенти Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

Индонезиялик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига бордилар.

Индонезия Президенти шарафига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми номидан тушлик зиёфат берилди.

(ЎзТАГ).

## ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

йигирманчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг навбатдан ташқари ўн биринчи сессияси 1989 йил 29 сентябрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ижроия комитет раиси**
**А. ЙЎЛДОШЕВ.**

**Ижроия комитет секретари**
**А. МАНСУРОВ.**

* * *

Область Совети ижроия комитети халқ депутатлари область Совети сессиясида кўриб чиқиш учун қуйидаги масалани кун тартибига киритишни мўлжалламоқда:

халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг «Белгиланган социал-иқтисодий программанинг бажарилиши, Советга бўйсунувчи ташкилот ва хизмат соҳалари структураси ҳамда фаолиятини қайта қуриш қандай бораётганлиги тўғрисида».




## • Экология муаммолари

# БУНДАЙ ЁНДАШУВДАН ВОЗ КЕЧИШ КЕРАК

ЧИРЧИҚ республикамизнинг етакчи саноат марказларидан бири сифатида тилларга тушган. Унинг бағрида ўнлаб замонавий корхоналар, транспорт ва қурилиш ташкилотлари ишлаб турибди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз оша чет элларга ҳам етказиб берилмоқда. Бу билан ғурурланиш мумкин. Бироқ, бу ерда экология масаласи шу қадар жиддий тус олганки, бундан ранжимай, афсусланмай бўлмайди.

Шаҳарда бундай аҳвол атмосфера ҳавосини ва сув ресурсларини турли ишлаб чиқариш қолдиқлари, оқава сувлар, рўзғор чиқиндилари билан ниҳоятда ифлосланаётганлиги оқибатида содир бўлаяпти. Барча саноат корхоналари атроф-муҳитни булғатишга «ҳисса» қўшаяпти.

Тўғри, шаҳарда табиатни муҳофаза қилиш, турли хил чиқиндилар, уларнинг заҳарлилари тарқалишини камайтириш юзасидан муайян ишлар олиб бориляпти. Бу мақсадларга тобора кўпроқ маблағ ажратилмоқда, мавжуд тозалаш иншоотлари кенгайтирилмоқда, айни вақтда янгилари ҳам қурилаяпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган уч йилида бу соҳага ўн тўрт миллион уч юз минг сўмлик капитал маблағ ажратилди.

Энг йирик корхона ҳисобланган «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқиндилар чиқишини камайтиришга қаратилган ишлар ҳажми йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Сўнгги вақтларда бирлашмада ишлатилган сувдан қайта фойдаланиш иншоотлари қурилди. Технология жараёнларини такомиллаштириш ва бу билан чиқиндилар чиқишини камайтиришга қаратилган техникавий тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Ўзбекистон химия, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, қатор бошқа корхоналар-ташкилотларда ҳам ишлаб чиқариш чиқиндилари билан атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга қаратилган техникавий-технологик тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай ишлар туфайли биргина ўтган йили теварак-атрофга зарарли моддаларнинг тарқалиш миқдори ўн минг тоннадан кўпроқ камайди.

Атроф-муҳитни тоза сақлаш ва табиатнинг мусаффолигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар шаҳар Советининг доимий комиссияларида ва табиатни муҳофаза қилиш штабида ҳам муттасил муҳокама қилинмоқда.

Лекин шунга қарамай шаҳар экологияси ҳамон ўткир муаммо бўлиб қолмоқда. Атмосферага чиқиндиларни кўплаб чиқариш ва атроф-муҳитни ифлослантириш давом этмоқда. Кўрилаётган чоралар, амалга оширилаётган тадбирларга қарамай шаҳар саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари ҳамон табиатга катта зарар келтирмоқдалар. Биргина ўтган йили улар томонидан ҳавога чиқарилган зарарли чиқиндилар миқдори ўттиз икки минг тоннадан ҳам ошиб кетди. Бу аҳвол ҳозир ҳам ҳукм сурмоқда.

Шаҳардаги йирик химия, машинасозлик, бинокорлик материаллари саноати корхоналари атмосфера ва сув ҳавзалари булғатувчи асосий манбалар бўлиб келди ва бўлиб қолмоқда. Биргина «Электрохимпром» улушига ҳамма чиқиндиларнинг тўртдан уч қисми тўғри келмоқда. Автотранспорт ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бундай воситалар чиқараётган ва атмосферани ифлослантираётган газ миқдори ортиб бораяпти. У ҳозирги вақтда кишилар саломатлиги учун энг зарарли ҳисобланган шундай чиқиндиларнинг қирқ фоиздан ортиқроғини атрофга тарқатмоқда.

Шаҳар территориясида атроф-муҳитнинг ҳолатини муттасил ўрганиш учун доимий ва кўчма станциялардан фойдаланилади. Шу мосламалар айрим вақтларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси ниҳоятда юқори бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Айрим ойларда ҳавони булғатган аммиак миқдори нормадагидан олти баравар ортиқроқ кўпайиб кетган, азот иккиоксидининг кўпайиш миқдори тўрт ярим баравар ортиқ атрофида бўлган. Олтингугурт гази ҳам нормадагидан икки-уч марта кўпайган. Чанг, углерод оксиди ва бошқа шунга ўхшаш саломатлик учун зарар чиқиндилар миқдори ҳам кўп ҳолларда белгилаганидан анча кўп бўлмоқда. Бу йил ҳавога аралашган аммиак ўтган йилдагидан анча камайтирилган бўлишига қарамай ҳар кунги ўртача миқдори нормадагидан сал кам икки баравар ортиқроқни ташкил этмоқда. Олтингугурт газини камайтириш бўйича эса ҳеч қандай силжишга эришилгани йўқ. Унинг миқдори ўтган йилдагича бўлаяпти.

Бундай мураккаб экологик аҳвол юзага келишининг кўп сабаблари бор. Аввало, юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқаришда технологиянинг бузилишидир. Қолаверса чиқиндисиз технологияни жорий қилиш ҳақида чинакамига қайғуриш етишмаяпти, эски асбоб-ускуналарнинг ишлатилиши, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг зарарли чиқиндиларини ушлаб қоладиган, оқава сувни тозалайдиган қурилмаларнинг етишмаётганлиги, мавжуд тозалаш иншоотларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам шунга олиб келмоқда.

Шуниси ачинарлики, тозалаш иншоотлари иккинчи даражали қурилиш, деб қараш ҳамон давом эттмоқда. Кўпчилик саноат корхоналари раҳбарлари бундай ёндашувдан ҳамон воз кечолмаяптилар, экология даврнинг долзарб муаммоси бўлиб қолганлигини ҳамон тўла ҳис қилолмаяптилар. Тозалаш иншоотлари қурилишидаги сусткашликни фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Бунинг учун зарур асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари етарли бўлишига қарамай ўзибўларчилик гирдобидан чиқа олмаслик афсусланарлидир.

Айрим саноат корхоналарининг раҳбарлари ҳозирги вақтда ҳам тозалаш иншоотларини ишга тушириладиган объектлар қаторидан чиқариб ташламоқдалар. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводидаги пўлат эритиш цехининг тозалаш иншооти қурилишида шундай аҳвол ҳукм сурмоқда. Уни ишга тушириш муддатлари неча бор орқага сурилди.

Ўзбекистон химия машинасозлиги заводида ҳам тозалаш иншоотини барпо этиш судралгандан судралмоқда. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида оқава сувларни тиндиргичлар қурилиши жуда суст олиб борилмоқда. Бунинг оқибатида корхона ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланилган кўп ҳажмдаги сувни тозаламасдан оқизиб юбормоқда. Ҳар куни Чирчиқ дарёсининг зилол сувини булғаётган бундай оқава 55 минг куб метрни ташкил этмоқда. Бу саломатлик, табиат учун кони зарар-ку!

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида ҳам атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар жуда секинлик билан камаймоқда. Тутун, чанг, ифлос, оқава сувлар билан ҳаво ва обиҳаёт ҳавзаларини булғатиш давом этмоқда. Гўшт комбинати, сут заводи ва бошқа шу каби корхоналар ҳам табиатга зиён етказишни тўхтатмаяпти.

Экология ҳам умумбашарий, ҳам ҳар бир киши учун, унинг саломатлиги билан, келажак авлоднинг камолоти билан боғлиқ муаммодир. Шундай экан уни яхшилаш билан муттасил шуғулланиш, бу хайрли ишнинг самарали бўлишини таъминлаш, шу олижаноб мақсад йўлида барча имкониятлардан фойдаланиш зарур.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

---

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

## НАНТ ШАҲРИДА ТОПИЛГАН ҚЎЛЁЗМА

✦ ПАРИЖ. Яқинда Нант шаҳрида топилган қўлёзмада Ер юзидаги океанлар сатҳининг кўтарилиши, атроф-муҳитнинг саноат фаолияти билан булғатилиши хавфи, атмосферанинг исиши — ана шу ҳамда ҳозирги пайтда инсоният олдида пайдо бўлаётган кўпгина бошқа экология муаммолари тўғрисида гап боради. Қўлёзмани ёш Жюль Вернга мансуб, деб ҳисобламоқдалар.

Бу ҳужжатнинг тақдири унинг мазмуни каби сир сақланмоқда. Маълум бўлишича, ёзнинг бошида Нант радиостудиясига бир киши келган, отини айтишни истамаган, у 1845 йил март-октябрь ойларида ёзилган кундалик дафтарни топширган, ана шу кундаликни 17 яшар Жюль Верн ёзган, деб ҳисоблашмоқда.

Табиийки, кундаликнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги масала кўтарилди. Нима, бу чиндан ҳам шов-шувга сабаб бўладиган воқеами, ёки боплаб алдашми? Франс пресс агентлиги XIX аср тарихи бўйича мутахассисларнинг фикрини келтиради. Улар ёш ёзувчи кундаликка битган воқеаларни мутлақо реал деб ҳисобламоқдалар. Лекин кундаликни айни Жюль Верн ёзганига ҳеч ким кафолат бера олмаяпти.

Эндиликда «Радио-Франс Нант» давлат радиостанцияси топилган кундалик матни асосида радиоэшиттиришлар туркумини тайёрлади, у бир ойдан сўнг эфирга берилади. Сирли нотаниш киши қўлёзмани топшираётган пайтда ҳужжатни радио орқали ўқишни бирдан-бир шарт қилиб қўйган эди, деди радиостанция директори.

---







## ОИЛА ҚУВОНЧИ—ҚУШЛАР

Тошкент медицина институти 2-клиникаси бош врачининг ўринбосари Тоҳиржон Холдоров учун қушларга ишқибозлик — ота мерос. Табиатнинг ажиб жонзотларига бўлган бу муҳаббат медицина ҳамшираси бўлиб ишловчи унинг рафиқаси — Арофатга ҳамда қизлари Саида ва Ферузаларга ҳам юққан.

Холдоровлар оила аъзолари ўзларининг бор бўш вақтларини қушлар билан ўтказишади. Хонадонда ҳозир қушларнинг ўттиздан ошиқ тури мавжуд. Улар орасида Тошкентда ягона бўлган тўтилар ҳам бор. Хонадон соҳиблари бу тўтиларни парваришлаб, кўпайтириш умидидалар.

Т. Холдоров Тошкент шаҳридаги сайроқи ва томошабоп қушлар ишқибозлари жамиятининг аъзоси сифатида кўплаб шаҳар, область, республика ва халқаро кўрик ҳамда конкурсларида иштирок этиб келаяпти. Бундай тадбирларда унинг турмуш ўртоғи ва қизлари ҳам қатнашмоқдалар. Хусусан, Арофат ва Сайёра яқинда Чехословакиянинг Доксу шаҳрида ўтказилган ана шундай конкурслардан бирида иштирок этиб, фахрли диплом билан тақдирланишди.

**У. ҲИКМАТОВ.**

**Суратларда: Тоҳиржон Холдоров ва унинг қизи Феруза; Холдоровлар хонадонида сақланаётган ноёб тўтилардан бири; Арофат ва Сайёра Чехословакиядан келтирилган фахрли диплом билан.**

**Р. Альбеков суратга олган.**




## ТИНЧЛИК

Тинчлик — азиз, муқаддас,
Бахтиёрлик сўзи бу.
Эзгу орзу — ҳар нафас —
Коммунанинг ўзи бу.

Бизнинг ёш, жўшқин дилда
Шуъладор Ватан тонги.
Ҳар чечакда, ҳар гулда
Бетимсол тинчлик ранги.

Биз бетимсол шу рангда
Балқсин деб Ер — куррамиз;
Тинчлик қизи — Саманта
Орзусини кўрамиз.

Учса баланд, беҳадик
Тинчликнинг кабутари.
Зўрга тўлгай кундалик —
Ўқувчилик дафтари.

Қўлдаги тинчлик созн
Куйнга ҳар ён тўлсин.
Бу — болалик овози:
— Дунёда тинчлик бўлсин!!!

Абдулла ТУРДИЕВ.



Бўл опажон, чўзма энди, шўхроғидан чал,
Ўйнамоқчи бу ўйинга акам Акмал.
«Беш» олибди ўқишида, димоғи чоғ,
Кундалигин безатибди аъло баҳо.
Тез орада улғаярмиз сен билан биз,
Шунда биз ҳам ўқишлардан «беш» оламиз.
Ўша кунлар бизларга ҳам келади гал:
Биз ўйнаймиз, куй чалади —
акам Акмал...

## САМАНТА СМИТ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Шоир Абдулла Орипов суҳбатларидан бирида «Мен болаларни яхши кўраман. Улар — самимийлик, покликнинг бетимсол намунасидир»,— дейди. Америкалик Саманта Смитнинг номини эслаганда эса ана шу ҳислатлар билан бирга у «Тинчликнинг ҳам бетимсол намунаси эди»,— дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, жажжи америка қизининг номи бугунги кунда бутун дунёда тинчлик жарчиси сифатида танилган. Унинг номи ва хотираси Иттифоқимизда ҳам ардоқли. Яқинда пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли республика пионерлар саройида Саманта Смит номли халқаро болалар тинчлик музейи очилди. Бу ерда бўлганлар америкалик қизчанинг ҳаётига оид маълумотлар, унинг Совет Иттифоқидаги тенгдошлари билан ёзишмалари, мамлакатимизда меҳмон бўлган пайтидаги ва бошқа кўпгина фотосуратлари билан танишишлари мумкин.

Бу музейнинг ташкил этилишида Ўзбекистонда кўп йил яшаган Жон Марьянович пионерлар саройининг интернационал дўстлик клуби аъзоларига яқиндан ёрдам берди. Музейнинг очилишида В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондининг республика бўлими президиуми аъзоси, СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева тинчлик, унинг катта-ю кичик учун ниҳоятда қадрли эканлиги ҳақида сўзлади. Шоир Раим Фарҳодий эса Саманта ҳақидаги ўзи тўплаган ва энди музейдан жой оладиган янги материалларни интернационал дўстлик клуби аъзоларига топширди. Тинчликни ҳимоя қилиш область бўлими аъзоси, рассом П. Красноярцев музейга яна бир тинчлик учун ёш курашувчи москвалик мактаб ўқувчиси Катя Личева суратини совға қилди.

З. ЖЎРАЕВА.



● Суратларда: С. Смит музейи очилишида иштирок этган С. Эшонтўраева ва Жон Марьянович; Р. Фарҳодий интернационал дўстлик клуби президенти, 42-мактаб ўқувчиси Н. Абдуҳакимовага Саманта ҳақидаги янги ҳужжатларни топширмоқда.

Р. Альбеков суратлари.



## ЯНА ДАРСЛИК, КУНДАЛИК ВА ДАФТАРЛАР ҲАҚИДА

Мен ёзаётган гаплар янгилик эмас. Бу муаммолар ҳақида «Тошкент ҳақиқати» газетаси янги ўқув йили арафасида — 30 август сонида батафсил ёзди. Аммо бу мақоладан кейин ҳам аҳвол ўзгаргани йўқ, болаларимиз енгил тортишмади. Тушунаман, бу нарсани бирдан ўзгартириб бўлмайди: дарсликлар тақчиллигини тез бартараф этиш қийин. Бироқ келгусида ҳам шундай бўлавермаслиги учун ҳозирданоқ ишга киришиш, бу муаммоларни изчил бартараф этиш лозим.

Мана, янги ўқув йили ҳам бошланди. Дастлабки кунлар болаларимизнинг қувончини кўрсангиз эди. Узоқ таътилдан сўнг яна синфдошлари билан учрашиш, меҳрибон ўқитувчилари билан кўришиш уларга алоҳида шодлик бағишлайдида. Лекин бу яхши кайфият кундан-кунга сўна бошлади. Сабаби... яна дарсликлар, кундалик ва дафтарлар муаммоси.

Мактабда болаларга тарқатилаётган дарсликлар орасида янгигина чоп этилганлари ҳам, аввалги синфлар фойдаланганлари ҳам бор. Шу эски дарсликларнинг аксарияти титилиб кетган, варақлари кўплаб доғлар, сиёҳли белгилар билан тўлган. Ҳатто, бир китобнинг ўртадаги 30 варағи қоқ ярмидан йиртилган. Янги ўқув йилини бошлаган боланинг шундай дарсликни қўлга олгандаги аҳволини бир тасаввур қилинг-а!

Умуман, янги дарсликларни нашр этаётган кишиларга ҳам эътирозларимиз йўқ эмас. Аввало, 6—10 синфлар учун "Геометрия" дарслигини битта. яхлит қилиб нашр этган одамларнинг болалар ундан қандай қилиб фойдаланишини тасаввур эта олмаганликлари бизни ажаблантиради. Бундай дарсликлар эса кўп. Уларнинг аксарияти икки йилга мўлжаллаб чиқарилмоқда.

Бу борада Польша мактабларида таълим олаётган ўқувчиларга ҳавасимиз келади. У ерда ўтиладиган фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар бир мавзуси учун алоҳида, кичик ҳажмли дарслик нашрлари босиларкан. Бизда ҳам шундай қилинса яхши бўларди деб гап очгудек бўлсак, бундай нарсалар жуда кўплиги, барига маблағ етишмаслигини рўкач қила бошлашади.

Ахир қачонгача «Болалар бизнинг истиқболимиз» деб оғиз кўпиртирамиз-у, уларнинг таълим олиши учун зарур бўлган нарсалардан маблағ аяймиз? Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: янги ўқув йили арафасида фарзандларингизнинг таҳсил кўриши учун бирон нарсани бемалол ола олдингизми? Бежирим ва арзон портфеллар йўқ бўлиб кетди, кундаликлар топилмайди, дафтарлар учун навбатда турган одамларни кўриб, ваҳмингиз келади...

Сентябрнинг дастлабки ҳафтаси ҳам ўтди. Кўпгина болалар ҳамон кундаликсиз, контур карталарсиз юришибди. Ота-оналар зир югуриб, уларни ҳеч қаердан излаб топиша олмаяпти.

Биз болаларимизни бежирим портфеллар кўтариб, ҳамма нарсадан кўнгли тўқ ҳолда мактабга қатнашини истаймиз. Китобларнинг кўпол ва оғир бўлишига йўл қўйилмасин, уйда алоҳида, мактабда алоҳида дарсликлар бўлсин, токи фарзандлимиз ҳар куни ортмоқлаб бораётган дарсликлар юки салмоғини кўриб қийинмайлик. Кундалик ва дафтарлар кўпроқ чиқарилсин, токи ота-онамиз буларни бизга олиб бера олмади, деб болаларимиз биздан ўкинмасин...

Ёзаман десам гап кўп, талаб кўп. Айтмоқчи бўлган энг асосий фикрим — болаларимиз истиқболи ҳақида оғизда эмас, амалда қайғурайлик.

В. АЪЗАМОВА,
илмий ходим.

## ХАНДАЛАР

— Холажон,— деди кичик Петер — мен билан «зоопаркда» ўйинини ўйнанг.
— Петер, мен бу ўйинни билмайман-да.
— Бу жуда осон, холажон!— Мен бир кичик маймунча бўламан, сиз эса менга ёнғоқ, шоколад ва банан берасиз.

●

Петер бир куни қуёш чарақлаб чиқиб турганига қарамай мактабга соябон билан келди.
— Шундай очиқ ҳавода нега сен соябон кўтариб келдинг?— ажабланиб сўради ўқитувчи.
— Чунки ёмғир ёққан пайтда ундан отам фойдаланади-да!— деб жавоб берди у.

●

Биология дарсида «Читтак ҳар куни ўз оғирлигига нисбатан бир неча баравар кўп овқат ейди!»— деди ўқитувчи.
Петер қўлини кўтариб сўради:
— Читтак ўз оғирлигини қанчалигини қаердан билади?

●

— Нега йиғлаяпсан, ўғлим?
— Мен маркамни йўқотиб қўйдим.
— Ҳа, шунга ҳам йиғлаш керакми? Мана бу бир марканн ола қол.
Пулни олиб бола янада қаттиқроқ йиғлай бошлади.
— Нега яна йиғлаяпсан?
— Агар бир маркамни йўқотиб қўймаганимда пулим икки марка бўларди-да.

Немис тилидан А. МЎМИНОВ таржимаси.

